

З.Р. ҚОДИРОВА Э.Г. КАРИМОВА

**МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ТАДБИҚ
ЭТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

КИРИШ

Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқларида 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди. Президентимиз “..., табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту-саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради..... Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шarti эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз... Маълумки, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир”¹, деб таъкидладилар. Юқоридаги сўзлар албатта таълим соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир мутахассисга, ҳар бир тарбиячига, ҳар бир профессор-ўқитувчига катта масъулият юклайди.

Мафкурамиз шаклланаётган ҳозирги шароитда таълим соҳасида ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш айниқса, муҳим аҳамият касб этади. “Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан, 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан шу даврда унинг

¹ ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь

калбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди”²

Буюклик болаликдан бошланади. Чақалоқ кўтарган ёш ота-она улуғ аллома Абу Али ибн Синонинг ҳузурига келиб, бола тарбияси ҳақида маслаҳат сўрашибди. Аллома гўдакнинг неча ойлик бўлганини суриштирибди. - Эндигина олти ойлик бўлди, - дебди ота. – Афсус, бола тарбияси билан шуғулланишга олти ой кечикибсизлар, - дебди аллома ва бундан кейин тарбияда нималарга эътибор қаратиш тўғрисида қимматли маслаҳатлар берибди.

Шу ўринда Абу Али ибн Синонинг гўдаклигига доир бир ҳикояни эслашимиз жоиздир. Гўдаклик пайтида онаси ёнига ётқизиб, ҳовлида кир ювишга киришибди. Қимматбаҳо тилла узуги халақит бергани учун бармоғидан олиб ёнига қўйибди. Ишларини тугатиб узугини тақмоқчи бўлибди, лекин топа олмабди. Онаси узукни канизак олди деб ўйлаб, уни сиқувга олибди. Канизакни жазолаш учун унга яқинлашибди, гўдаги чирқираб йиғлабди, узоқлашса тўхтабди... Зийрак онаси фарзандини йиғлатмаслик учун узук воқеасини унутибди.

Ойлар ўтиб фарзанди тилга кирибди ва узук воқеасини онасига эслатибди. Ўшанда гапиришни билмаганим учун канизакни бекорга жазоламоқчи бўлганингизда йиғладим, узоқлашсангиз тўхтадим. Аслида, сизнинг узугингизни мана бу ғозимиз ютиб юборганди. Дарҳол ғозни сўйишибди, жиғилдонини текширишса тилла узук турган экан.

Буюклар болалик ҳаётидан бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳазрат Навоий 4 ёшидаёқ мактабга борган. Алишер 4 ёшида кўплаб ғазал ва кичик рисоаларни ёддан билган. Австриялик буюк композитор Моцарт дастлабки мусиқаларини 4 ёшида басталаган. Хуллас, мутафаккирлар таъкидлашганидек, 7 ёшгача боланинг истеъдод куртаклари намоён бўлади, онги шаклланади. Аёнки, ҳозирги вақтда ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маданий савиясини белгилайдиган мезонлар мавжуд. Энг

² Ислом Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: Ўзбекистон, 2008

асосийси – интеллектуал онг, юксак маънавият, асрий анъаналарга таянадиган, замоннинг илғор ютуқларидан озикланадиган миллий дунёқараш ва эътиқоддир. Демак, маданий ҳаётга шунчаки бир ижтимоий воқелик сифатида қараш тўғри эмас. Аксинча, уни миллий ғояга туртки берадиган, унга таянч ва суянч бўладиган куч сифатида қабул қилиш лозим.

Шарқ дунёсида ўзига хос демократик институт саналмиш оиладаги соғлом маънавий-ахлоқий муҳит ҳамма замонларда ҳам маънавият кўрғони бўлиб келган. Бу ҳақда донишманд боболаримиз ҳам кўпгина ибратли фикрларни билдирган. Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат “Оила” рисоласида ахлоқ-одобда намунали авлодни тарбиялаш нафақат бир миллат ёки халқ учун, айти пайтда бутун инсоният учун ғоятда муҳим эканини зикр этиб, “Кимки бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади”, деб ёзган эди.

Бугунги кунда юртимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш масаласи ўта долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилаётган экан, бунда фарзандларимизнинг наинки жисмоний, шу билан бирга, ахлоқий ва маънавий баркамол бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланаётганини унутмаслигимиз зарур. Чунки қалб кўзи очик, маънавий томондан бакуват одамгина жамият талабларига онгли муносабатда бўла олади, бугун биз интилаётган буюк келажакни барпо этишга, дунё майдонида бошқалар билан барча соҳаларда мусобақага киришга қодир бўлади.

“Биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар. Буни чуқур англаб олган давлат, бундай ҳулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қиладиган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келадиган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улғу, керак бўлса, энг муқаддас мақсад деб

билади”³. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, ушбу рисола таълим ва тарбия тизимида ёшларни тарбиялашда миллий урф-одат ва қадриятларимиздан унумли фойдаланиш йўлларини қисман бўлсада кўрсата олади, деган мақсадда ёзилди.

Мақтабгача катта ёшдаги болаларга миллий қадриятлар асосида таълим-тарбия бериш

Мамлакатимизда 7 ёшгача бўлган болалар тарбияси билан оилалардан ташқари мақтабгача тарбия муассасалари шуғулланади. Аввало, фахр-ифтихор билан эътироф этишимиз лозим, мустақиллик йилларида буюк келажагимиз асоси бўлган таълим тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг узвий бир қисми, устувор йўналишига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги Қонуни", "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да ҳам баркамол авлод тарбиясида маънавий тарбияни шакллантиришнинг таркибий қисми саналган миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш муҳим вазифалардан бири сифатида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бирлигидан ташкил топади. Уни тўлиқ ва оқилона эгаллаш ва ривожлантириш эса ҳозирги авлоднинг асосий вазифасидир. Ёш авлоднинг миллий қадриятларни ўрганиши ва ўз ҳаёт тарзига киритишининг ўзи ҳам муайян хулқ маданиятини таркиб топтиради.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, мустақиллик шароитида ёш авлоднинг хулқ маданиятини шакллантириш бевосита миллий мафкурамизни шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири бўлган болалар тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдан иборат бўлиши керак. Шу маънода, Президентимизнинг 1998 йилда "Тафаккур" журнали бош муҳаррири

³ ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нуткидан. Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь

саволларига берган жавобдаги “Баъзан беозор бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади”⁴, деган фикрларида улкан ҳақиқат бор. Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, технократик жараёнлар ҳар қанча қудратли ҳаракат касб этмасин, бу ҳаётни олдинга бошлайдиган, унга маъно-мазмун бахш этадиган куч барибир маданият ва маънавият бўлиб қолаверади. Мустақил тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир миллат учун ахлоқ ва миллий маданиятни сақлаш – энг долзарб ва устувор вазифалардан биридир. Чунки, ахлоқ миллий табиатни шакллантирадиган асосий омилдир.

Ахлоқ ва хулқ маданияти маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у кишиларнинг жамият талабларига кўра унинг турмушда, бошқалар билан муомала-муносабатида, фаолиятнинг турли кўринишларида намоён бўладиган хулқ қоидаларига риоя этиши мажмуидир.

Лекин хулқ маданиятининг шаклланиши жуда мураккаб кечади. Болаларнинг хулқ-атвори, асосан, боғчада, оилада таркиб топади. Зеро, мактабгача тарбия ёши — шахс қарор топишининг дастлабки даври бўлиб, болалар боғчасида мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Умуман, боғча ёшидаги болаларда хулқ маданиятини шакллантириш мустақил республикамизда шаклланаётган миллий мафкурамиз асосида республикамизнинг келгуси равнақи учун хизмат қиладиган баркамол авлод маънавий маданиятини таркиб топдиришга хизмат қилади. Чунки мактабгача тарбия ёшида шаклланадиган хулқ-одоб меъёрларига риоя этиш, ҳис-туйғу ва маънавий онг бутун келгуси фаолиятига таъсир этади ва ҳал этувчи рол ўйнайди. Боғча ёшида болаларда хулқ-одобни таркиб топдиришга доир малака ва кўникмаларга асос бўлиб хизмат этади. Бу жараён ўзаро ҳамкорлик, меҳнат ва ўйин, ўзаро хушмуомалалик билан

⁴ ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари. “Тафаккур” журнали, 1998 йил.

муносабатда бўлиши, бошқалар олдида ўз масъулиятини ҳис этиши, ўзаро ёрдам, интизомга риоя этиш каби хислатларга ундовчи ва бу сифатларни ривожлантиришга доир машғулотларда, ўзаро муносабатларда хушмуомалалик, ўзга нарсаларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш миллий кадриятларимиз асосида таркиб топтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги "Ўзбекистон XXI асрга интиломқда" мавзuidaги маърузасида "Биз мамлакатимиз истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғлик фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак"⁵, - деб алоҳида таъкидлайди.

Ана шу кўрсатма болаларда миллий кадриятлар асосида нутқини ўстириш маданиятини шакллантиришга ҳам айнан боғлиқ. Маданият - жамият ва инсон тараққиётининг муайян бир даражаси бўлиб, кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида улар яратадиган моддий ва маънавий кадриятларда ўз ифодасини топади. Маданият халқнинг моддий ва маънавий даражаси кўрсаткичларидир. Шу билан бирга инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳаларини ҳам белгилайди. Буни биз меҳнат маданияти, бадий маданият, турмуш маданияти, маънавий маданият ва бошқа маданиятларда кўришимиз мумкин. Лекин маданият тор маънода кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ҳам ишлатилади.

Маънавий маданиятга онг, билим, ахлоқ, таълим-тарбия, ҳуқуқ, фалсафа, хулқ-одоб, фан, санъат, адабиёт кабилар киради.

Жуда кўп олимлар ўз тадқиқот ва асарларида, шу билан бирга луғатлар ва маълумотномаларда маданият, маънавият, хулқ-одоб таърифида уларнинг ҳар бирининг моҳиятини ажратиб юборадилар. Улар биргаликда талқин этилади. Лекин тушунчаларнинг асл моҳиятини таҳлил этсак, уларнинг ҳар бири ўз моҳияти, мазмунига эга эканлигини кўраимиз. Масалан, "ахлоқий

⁵ И.А.Каримов. "Ўзбекистон XXI асрга интиломқда", Т., Ўзбекистон, 1999 йил. 47-бет

маданият - инсонни маънавий ва маданий жиҳатдан камолотга етказувчи жараён" деб таъриф беради, тадқиқотчи У.Маҳкамов. Ваҳоланки, ахлоқий маданият маданий ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у кишиларнинг ҳар бир жамиятига хос хулқ меъёрлари мажмуи саналади, хулқ-одоб эса, кишиларнинг табиати, феъл-атвори мажмуи бўлиб, хулқ-одоб маданияти - шахснинг жамият талабларига кўра турмушда, кишилар билан муомала-муносабатда, фаолиятнинг турли кўринишларида ифодаланган одоб меъёрларига риоя этиш бўлиб ҳисобланади.

Хулқ маданияти шундан иборатки, жамиятда инсон алоҳида кишиларга ва ўз-ўзига муносабатини маълум ғоявий, маънавий эътиқодларда намоён бўлган ҳатти-ҳаракатларда ва фаолиятида ифодалади. Кишиларда кузатиладиган ана шу ҳатти-ҳаракатлар, фаолиятлар мажмуининг жамият ҳамда хулқ-атвор қонун-қоидалари талабларига жавоб бера оладиган даражаси унинг маданиятлиги белгиси саналади. Маданият одатда шартли равишда ички ва ташқи маданиятга бўлинади. Ички маданият - инсоннинг ботиний дунёси, ички маънавий қиёфасидир. Инсон ақлан ва ахлоқан ривожланган, дунёқарши кенг, ўз ҳатти-ҳаракатларини онгли бошқара оладиган, эркин, ўз кадр-қимматини сақлай оладиган даражада тарбияланган бўлиши лозим.

Ташқи маданият - жамиятда қабул қилинган ахлоқ қоидалари, одоб меъёрлари бўлиб, кишилар билан хушмуомала бўлиш, ижтимоий ҳаётда пок бўлиш ва ҳоказолардир. Ҳар бир кишида ана шу ички ва ташқи маданият уйғун бўлиши, уйғун ривожланиши керак. Ўзида ички на ташқи маданиятни уйғунлаштира олган кишигина ҳақиқий маданиятли саналади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларда хулқ-одоб маданиятини шакллантиришга келсак, бу "Болалар боғчасида тарбия" дастурида барча ёш гуруҳлари бўйича белгилаб қўйилган. Болаларда хулқ маданиятини таркиб топтириш жараёни топшириқларни онгли бажариш, кун тартибини, ўйин ва бошқа турли машғулотларни тўғри ташкил этиш, болалар фаолиятини,

билишга қизиқишларини фаоллаштириш, ўзаро муносабатларини тўғри йўлга қўйишда намоён бўлади.

Бу жараён болаларга энг муҳим гигиеник малакаларни сингдириш, фаолиятнинг турли кўринишларида ва турли вазиятларда ўзаро муносабатларда маданий кўникмалар ҳосил қилиш, ахлоқий онг ва ахлоқий ҳис-туйғуларининг маълум элементларини тарбиялашдан иборат бўлиб, атроф-олам билан танишиш орқали шаклланиб боради.

Хулқ маданияти одоб қоидаларига тўғридан-тўғри риоя этиш эмас, балки, маънавий-ахлоқий ҳис-туйғулар, тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бевосита уларни мустаҳкамлаб боради. Чунки мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг психологик-физиологик хусусиятлари хулқ маданиятини шакллантириш учун қулай имконият вужудга келтиради. Мактабгача тарбия ёшидаги (айниқса, мактабгача катта ёшдаги) болалар ўта идроклилиги, фаҳми тезлиги, зукколиги билан ажралиб туради. Бу хусусият уларнинг нерв системасининг эгилувчанлиги, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга фаол муносабатда бўлиш қобилияти, идрок қиладиган нарсаларига ҳис-туйғуси, диққат-эътибори, тақлид қилиши ва тасаввур этиши сабаб бўлади. Лекин, уларда ҳали ҳаёт тажрибаси тўлиқ бўлмайди. Шунга кўра тарбиячи, ота-она ва бошқа катта ёшлилар болада муомала эҳтиёжини муҳим ижтимоий эҳтиёжга айлантириши муҳимдир. Ушбу тарбиявий таъсир этиш педагогик жиҳатдан тўғри бўлиб, болада хулқ маданиятини шакллантириш зарур ҳисобланади. Лекин, буларнинг барчаси қуйидаги шарт-шароитларда амалга ошиши мақсадга мувофиқ:

- болалар муассасасида катта ёшлилар ўртасида ўзаро соғлом муносабатни вужудга келтириш;
- тарбиячи-мураббийлар билан ота-оналар ўртасида ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш;
- катта ёшлилар билан болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг таъсир доирасини фаоллаштириш;
- гуруҳларда, машғулотларда қатъий кун тартибини йўлга қўйиш;



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/1056> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/1056> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1056>